

---

Диққат! Ўзбекистон тумани ҳокими соврини учун навбатдаги киберспорт мусобақалари ўтказилади!

**Қадрли ёшлар, киберспорт ихлосмандлари!**

Ўзбекистон тумани ҳокими соврини учун навбатдаги киберспорт мусобақалари жорий йилнинг 18 январ куни ўтказилади!

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан [SNJ.CYBER клуби](#) ва тумандаги [АйТи маркази](#) ҳамкорлигида ташкилланаётган навбатдаги мусобақада ҳам ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар орасидан иқтидорлиларни аниқлаш ва профессионал киберспортга йўналтириш, рақамли технологиялар соҳасини оммалаштириш мақсад қилинган.

Мусобақа киберспортнинг Counter Strike 1.6, PlayStation да футболнинг PES2013 ва BLUR йўналишлари бўйича бўлиб ўтади.

Якунда ёлиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан махсус кубок ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади.

Мусобақада қатнашиш ва қўшимча маълумот олиш учун SNJ.CYBER клубининг [инстаграмдаги саҳифаси](#) ёки +998916228888 га боғланишингиз мумкин.

2025-01-08 15:34:23